



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati



7 БЕТ

ХАВОТИРЛАНМАСАНГИЗ
БЎЛАДИ, ЛЕКИН...


“БОБОШБЕК”ДА ЛОЙИХАЛАР НЕГА АМАЛГА ОШМАЯПТИ?



3 БЕТ

“Фаргона ҳақиқати” газетасининг 2022 йил 22 июлдаги 60-сонида Уч-кўприк тумани, “Бобошбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплекси фаолияти ҳақида мақола чоп этилган эди. Унда катта маблағлар эвазига бунёд этилган мухташам мажмуага тadbirkorларни жалб этиш қийин кечаётгани, иш жойларининг нархи қимматлиги боис, аксарият жойлар ҳувиллаб ётгани таҳлил қилинганди. Бу масалада туман ҳокими ўринбосари, иқтисодиёт бўлими, яқка тартибдаги тadbirkorларнинг фикрлари ва эътирозлари келтирилганди. Орадан бир йил ўтди. Яна мавзуга қайтиб, “Бобошбек” мажмуасида бўлдик.

СЎХ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БЎСАҒАСИДА



4 БЕТ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА



6 БЕТ



ФАРҒОНАДА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ ТАҚЧИЛЛИК МИНИМАЛЛАШАДИ

2 БЕТ



8 БЕТ

МАДАНИЯТ МАСКАНИДАГИ АХЛОҚСИЗЛИК

Долзарб мавзу:

ФАРҒОНАДА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДАГИ ТАҚЧИЛЛИК МИНИМАЛЛАШАДИ

Мамлакатимиз ҳудудлари, ҳатто Тошкенту азимда ҳам электр таъминотида тақчилликлар рўй бермоқда. Одатда бунга аҳоли сони, тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш қувватлари ошгани сабаб қилиб кўрсатилади. Бу ҳам ҳақиқат. Аммо яна бир қанча омиллар борки, у ҳам электр қувватлари сарфини камайтиради. Бу, аввало, таъминот тармоқларидаги носозликларнинг бартараф этилиши билан боғлиқ. "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ

рулло Исоқов. – Бу ишларни биз 1 августгача бажаришга эришдик. Фарғона ва Қўштепа туманларида янги йирик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши муносабати билан қўшимча қувватлар талаб қилинапти. Водил, Чимён, Дўрмон нимстанцияларида қувватларни ошириш режалаштирилди. У йилнинг учинчи чорагида якунланади. Давлатимиз раҳбарининг қарорлари ва топшириқларига қўра, ҳар бир маҳалла, кўча таянч устунлари, тармоқ симлари хатлов



ишчи-мутахассислари бу борада салмоқли ишларни амалга оширдилар.

– Куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича 6/10 кВтли ячейкаларни реконструкция қилиш ишларини бажардик. 27 та мойловчи вакуум алмаштирилди. 6 та юқори кучланишдаги трансформаторлар мукамал таъмирланди. 270 та трансформатор эса жорий таъмирдан чиқарилди, – дейди корхона нимстанциялар хизмати раҳбари Шуку-

ва кўриқдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

– 2892 километр электр узатиш тармоқлари, 987 та трансформаторлар тўлиқ таъмирланди, – дейди тақсимлаш тармоқлари хизмати бошлиғи Ҳайитбой Иргашев.

– Таъминотда узилишларни келтириб чиқарувчи сабаблар ўрганилиб, салқи симлар тортилди, яроқсиз ҳолга келган таянч устун-

лар янгиланди, изолятор ва симлар, боғловчи кабеллар, уларни улаш учлари ва трансформаторларнинг мойлари алмаштирилди.

Вилоят бўйича мазкур таъмирлаш ишларига 3,80 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди.

Фарғона вилоятида бугунги кун ҳолатига 842 минг 456 нафар аҳоли, 54 минг 230 та улгуржи истеъмолчилар мавжуд. Мазкур истеъмолчиларга 174 та подстанциялар, 20 минг 716 км узунликдаги

электр узатиш тармоқлари ҳамда 9 минг 172 та турли қувватдаги трансформатор пунктлари орқали электр энергияси етказиб берилди.

Хўш, аҳолиси сони ва саноат қувватлари кундан-кун ўсиб бораётган Фарғона вилоятида электр энергияси истеъмоли қай томон ўзгармоқда? Табиийки, аҳоли турмуш шароитининг фаровонлашуви, ташқи ва ички инвестициялар натижасида қурилган янги ишлаб чиқариш корхоналари, мавжуд технологияларнинг

тизимнинг созлиги тежамкорликнинг омилларидан бири. Шунинг учун "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" таркибида бу борада 109 та бригадалар ташкил топган. Уларга 33 та махсус техника бириктирилган. 66 та гуруҳ эса ихтисослашган техник хизмат кўрсатиш автомобиллари билан таъминланган. 660 нафар мутахассислар аҳолини туну кун узлуксиз электр билан таъминлаш устида меҳнат қилмоқда.



такимлашуви электр қувватига эҳтиёжнинг ошишига олиб келмоқда.

– 2023 йил июль ойида вилоятда ҳар куни 17,5 миллион кВт соат электр қуввати истеъмол қилинди. Ой давомида бу рақам 520 миллион кВтга етди. Бу ўтган 2022 йил июль ойига нисбатан 12 фоизга кўпдир, – дейди Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси директори ўринбосари Эрнест Ибрагимов.

Таъминотчи ўз номи билан таъминотчидир, яъни у электр қуввати ишлаб чиқарувчи эмас. Шунга қарамай,

– 2023 йилда 184 километр янги электр таъминоти тармоқлари қурилди ва 113 та трансформатор янгитдан ўрнатилди. Ўтган йилги 16 МГВтли нимстанция ўрнига, 25 МГВтли нимстанция қурилди, – дейди Эрнест Ибрагимов.

Умид қилиш мумкинки, 2023-2024 куз-қиш мавсумида Фарғона вилоятида электр қувватлари тақчиллиги минималлашади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган
суратлар.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

“БОБОШБЕК”ДА ЛОЙИХАЛАР НЕГА АМАЛГА ОШМАЯПТИ?

(Бошланиши 1-бетда).

Авалло таъкидлаш жоизки, энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплекси давлат раҳбари ташаббуси ва 2021 йил 27 май куни қабул қилган қарори билан бунёд этилмоқда. Бунинг учун 15 гектар ер ажратилган бўлиб, ҳозирга қадар 358 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 2 та логистика маркази, 560 та савдо растаси барпо этилди. Натижада туманинг “Бобошбек”, “Бекмурод”, “Зиғир”, “Палоҳон”, “Яккамулла” каби маҳалла фуқаролар йиғинларида якка тартибда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган юзлаб тадбиркорлар учун қулай иш жойлари яратилди.

Аммо бундай қулайлик ва имкониятдан барча тадбиркорлар унумли фойдаланяпти, дейсизми? Афсуски, йўқ. Чунки, асосий муаммо ўша-ўша. Тадбиркорлар мавжуд ишлаб чиқариш цехларининг нархи қимматлиги, кредит асосида харид қилиш учун тўлов муддати қисқалигини рўқач қилишмоқда. Банкнинг эса ўз талаби бор, бу ердаги иш жойи яратилган 300 дан зиёд тикув цехларининг 82 таси сотилган бўлса-да, фаолият юритаётган тадбиркорлар сони 50 нафарга ҳам етмайди.

Биз “Бобошбек”да бўлганимизда мажмуадаги бугунги ҳақиқий ҳолат билан яқиндан танишдик, туман масъуллари, банк мутасаддилари ва тадбиркорларни суҳбатга тортдик.

– Туманимизда оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тадбиркорлар кўп. Лекин улар мослаштирилган шароитларда ишлар, бу – бизнесни кенгайтиришга халал берар эди. Тадбиркорлар янги мажмуага бирин-кетин жойлашмоқда. Нафақат туман, балки вилоятимизнинг бошқа ҳудудларидан ишбилармонларни жалб этиш мақсадида тарғибот ишларини олиб боряпмиз, – дейди Учқўприк тумани ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Усмонжон Маҳсудов. – Шундай бўлса-да, қийинчилик сезиляпти. Масалан, “Бобошбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди, 1018 та хонадон бор, эътиборлиси, 752 та хонадон эгалари тадбиркорлик билан шуғулланади. Уларнинг уй шароитида тайёрлаётган маҳсулотлари Қўқон бозори орқали юртимиз ҳудудлари, қўшни мамлакатларга етиб бормоқда. Бироқ маҳалланинг ҳамма тадбиркорлари ҳам янги мажмуадан жой олиб, фаолият юритиш истагида эмас. Чунки, улар жойлар нархининг қимматлигини айтишмоқда. Бу масала мажмуани

барпо этишга сармоя киритган “Микрокредитбанк” АТБ Учқўприк тумани бўлими зиммасида. Банк имкон қадар тадбиркорларнинг манфаатидан келиб чиқиб, тўлов шартлари жорий этган.

Шу ерда қайд этиш жоизки, энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплексини ташкил этишдан мақсад 1110 нафар тадбиркорларни жамлаш, йилига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 18 миллион АҚШ долларилек товар экспорт қилиш, жами 7 минг 700 дан ортик фуқарони доимий иш билан таъминлаш эди.

– “Бобошбек”дан маҳалламизда истиқомат қилаётган йирик тадбиркорлар жой олди. Чунки, уларда айланма маблағ катта. Кунига 1000-2000 дона маҳсулот ишлаб чиқаришади. Тан олиш керак, аҳолимизнинг аксарият қисми кичик бизнес вакилларини ташкил қилади. Улар тўрт ёки бешта тикув машинасида трикотаж кийим-кечакларини тикади. Цехларни сотиб олишга қурби етмаяпти, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси Хуршиджон Самадов.



Айни пайтда Ирода Содиқова, Феруза Эргашева, Бумайрам Алихонова каби тадбиркорлар мажмуадан жой сотиб олишган, улар 25-30 нафар моҳир чевар маҳалладошларини ёнларига олиб, иш юритишмоқда. Маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия сингари бир қатор давлатларга экспорт қилиняпти.

– 2021 йили Риштон туманидаги халқаро хунармандчилик марказига ташриф буюрган



Президентимиз билан юзма-юз мулоқотда ҳамқишлоқларим учун алоҳида бозор ва савдо мажмуаси қурилиши ташаббусини илгари сурган эдим. Давлат раҳбарининг қўллаб-қувватлаши туфайли барпо этилган янги мажмуадан жой олдим. Иккита цех учун ҳар ойда 9 миллион сўмдан тўловни амалга оширяпман, – дейди тадбиркор Ирода Содиқова.

Тадбиркор Феруза Эргашеванинг айтишича, ишлаб чиқараётган маҳсулотларига Европанинг бир нечта давлатларидан буюртмалар бўляпти. Хорижий ҳамкорларга ўзбек тадбиркорларининг маҳсулотлари табиийлиги, сифати, нархи билан

маъқул келмоқда. Аввал хонадониди 15-20 нафар қизлар билан фаолият юритган бўлса, экспорт имконияти пайдо бўлгани боис, каттароқ ҳажмдаги иш жойи, ишчи ўрни керак бўлди. Шуларни ҳисобга олиб, у мажмуадан иккита цех сотиб олди, ишчилари сонини 50 нафарга етказди. Эндиликда “Ailem baby” бренди остидаги маҳсулотлари дунё бозорини кўрди.

– Хонадонимиз 6 сотихдан иборат бўлиб, унинг 2 сотихида трикотаж цехини жойлаштирганимиз, – дейди яна бир тадбиркор Шухрат Абдуллаев. – Ҳозирги кунда цехимизда 10 нафарга яқин маҳалладошларимиз ишляпти. Очиғи, улар учун уйда барча меҳнат шароитлари муҳайё, дея олмайман. Қишлоғимизда янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилгач, имкониятимиз кенгайди, деб ўйлаган эдим, аммо жойларнинг нархини эшитиб, ҳафсалам пир бўлди. Ҳеч бўлмаса, кредит муддати 7 йилдан 10 ёки 15 йилга узайтирилганда, цех сотиб олган бўлардим.

– Мажмуадан жой олмоқчи эмасман. Биринчидан, хонадонимда ишчилар учун шароитлар сотувдаги тайёр цехларга қараганда яхшироқ. Қолаверса, нархи маъқул эмас. Асосий ишчиларим хонадонимизга яқин ҳудудда яшайди. Кўчиб ўтган бўлганимда, уларни, айниқса, тажрибали мутахассисларимни йўқоти-

шим мумкин эди. Маҳалламизда тадбиркорлар сони кўплиги боис, малакали ишчилар топиш қийин. Рақобат муҳитида биз каби тадбиркорларнинг “яшаб” қолиши осон эмас, – дейди Валижон Шокиров.

Бобошбекдаги кенг тармоқли мажмуа тўлиқ ишга тушса, нафақат вилоятнинг, балки мамлакатимиз ва қўшни давлатлар аҳолисининг энгил саноат маҳсулотларига бўлган талабини бемалол қондириш имконияти мавжуд. Аммо бугунги кунда маълум муаммолар туфайли ҳудуддаги тадбиркорларнинг муҳташам бинога “қўчиб ўтмаслиги”, бир сўз билан айтганда, иншоотнинг ҳувиллаб туриши ачинарли ҳол, албатта.

– энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплекси лойиҳасининг умумий қиймати 218 миллиард сўмни ташкил этади. Сотувга қўйилган цехларнинг нархи ҳам шунга яраша. Энг кичик – 138 квадрат-метр жой учун 438 миллион сўм, энг йирик – 278 квадрат-метрга эга цех учун 1 миллиард 300 минг сўм нарх белгиланган. Тадбиркорларимизга қулайлик яратиш мақсадида бир йиллик имтиёзли муддат билан 7 йилгача 18 фоизли кредит ажратилган. Белгиланган нархларни камайтириш ёки кредит муддатини ўзгартириш банкка боғлиқ эмас. Президент қарорига асосан мазкур мажмуада қуриб битказилган объектларни ажратиш бўйича тузилган комиссия сарфланган харажатлар сметасидан келиб чиққан ҳолда нарх белгиланган, – дейди “Микрокредитбанк” АТБ Учқўприк тумани бўлими ходими Бахтиёржон Усмонов.

Ўрганишларимиз жараёнида “Энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, логистика ва савдо комплекси” МЧЖнинг хўжалик ишлари бўйича бўлим мудри Бегзоджон Абдурахмонов ушбу кўп тармоқли марказнинг 9,2 гектар майдонида ишлаб чиқариш, 3,8 гектарида савдо комплекси, 2 гектар жойида логистика маркази амалга оширилиши кўзда тутилганини айтиб ўтди. Ҳозирда қурилиш ишлари якунига етиш арафасида. Учинчи босқичдаги ишлар жадал давом этмоқда. Барча тадбиркорларни бир ой муддатда сифатли яқунлаш бўйича аниқ топшириқлар белгиланган.

Ҳа, йирик мажмуада бунёдкорлик ишлари якуний босқичга кирди. Ҳадемай, 560 та савдо растаси ҳамда логистика маркази тўлиқ иш бошлайди. Эндиги масала ҳар бир “объект” ўз эгасини топишида қолмоқда. Балки, мавзуга яна қайтаримиз.

Муаттар МАҲМУДОВА.



Ижодий сафар

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари, республика марказий газеталари, телевидение, радио ва ижтимоий тармоқларнинг вилоят бўйича мухбирлари Сўх туманида ижодий сафарда бўлиб, кейинги йилларда вилоятнинг энг чекка туманида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни ва аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш борасидаги кенг ҳажмли ишлар билан танишиб қайтдилар.



СЎХ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БЎСАҒАСИДА



Сўх — Марказий Осиёдаги ягона анклав туман. Йиллар давомида 82500 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган тоғли ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш борасида

сифат ва салмоқ жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Дастурда туманда саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари бўйича истиқболли янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликка кенг шароит яратиш ва рағбатлантириш,

ечимини кутаётган масалалар тўпланиб қолган эди. Президентимизнинг 2020 йил 8 августда қабул қилинган "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва шу қарор асосида қабул қилинган дастур бу борадаги ишлар кўламини

қишлоқ хўжалиги тармоқларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр таъминотини ва йўл инфратузилмасини яхшилаш, вақтинча ишсиз фуқароларни муқим иш ўринлари билан банд қилиш сингари йўналишларда кенг қамровли устувор вазифалар белгиланганди.

Тан олиш керак, атиги икки-уч йилда туманда барча соҳаларда туб бурилиш юз берди. Ислохотларни амалга оширишда сезиларни ижобий ютуқларга эришилди. Энг аввало, мавжуд имконият, хомашё ва бошқа ресурсларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Биргина жорий йилнинг январь-июнь ойларида 49,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 106,8 фоизни ташкил этди.

Туманда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун қўшимча имкониятлар мавжуд бўлиб, "Арслон экспресс инвест" МЧЖ томонидан қурилиш материаллари, "Ави-лон Со'х Текстиле" МЧЖ орқали тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, "Сўх Шафран экспорт" ишлаб чиқариш кооперативи томонидан шафран доривор

маҳсулотларини етиштириш ва қадоқлашни йўлга қўйиш, шунингдек, травертин, гипс, кўмир конларини ўзлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Туманда умумий ер майдони 7,1 гектар бўлган тўртта кичик ва ёшлар саноат зоналари ташкил этилган. Бу ҳудудларда умумий қиймати 44,8 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилган эди. Бугунги кунга қадар 40 та ташаббускорлар томонидан қурилиш ишлари бошланди, умумий қиймати 2,0 миллиард сўм бўлган 4 та лойиҳа фойдаланишга топширилди, 24 та бўш лотлар "E-Auksion" электрон савдо майдончаларига жойлаштирилди.

Туман аҳолисини энг қийнаб келаётган муаммолардан бири транспорт ва йўл инфратузилмаси, электр, тоза ичимлик суви билан боғлиқ бўлгани боис, бу масалалар алоҳида эътиборга олинди. Жорий йилда барча дастурлар асосида 64 километр йўлларни асфальтлаштириш ва бетон қопламасини ётқизиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 12 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 6 километр масофа бетонлаштирилди, 34 километри асфальтлаштирилди.

ни таъмирлаш белгиланган. Бу ишлар бўйича "йўл хари-та"лари, режа-жадвал ишлаб чиқилган.

Туман иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашда хизмат кўрсатиш, сервис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди.

Бу йил хизмат соҳасини ривожлантириш учун 185 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобидан 730 та янги иш ўринлари яратиш манзилли рўйхати шакллантирилган. Булар жумласига, меҳмонхона, нодавлат тиббий хизмат кўрсатиш, нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилоти, чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш каби объектлар қиради. Ўтган олти ой давомида 13 миллиард 527 миллион сўмлик 56 та лойиҳа ишга туширилди ва 138 та янги иш ўринлари яратилди. Масалан, "Мулгон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Sitorai Hikmatulloh» ва «Orzui Suxrobi Zamirzoda» хусусий корхоналари томонидан тиббий хизмат кўрсатиш лойиҳалари ташкил этилди ва 8 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 2 миллиард сўмни ташкил этади. Муҳим жиҳати, бу билан туманда тиббий туризм хизматини ри-

вожлантириш ҳажми бирмунча ортди.

Амалга оширилган ишлар натижасида туманда хизмат кўрсатиш ҳажми шу йилнинг январь-июнь ойларида 158,1 миллиард сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса 107,1 фоизни ташкил этди. Аҳоли



яхшилаш мақсадида 274 километрлик ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб бориляпти. Бундан ташқари, 30 та ичимлик суви иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Бугунги кунгача 16 та сув иншооти қурилди, 7 таси фойдаланишга топширилди ва яна 7 таси мукамал таъмирланди. "Чашма" маҳалла фуқаролар йиғини ва "Обиширсой" мавзесида иккита 500 метр/кубли сув иншооти қурилди. Тортилган ичимлик суви тармоғининг умумий узунлиги 254 километрни ташкил этади. Шунингдек, қарийб 13 километр табиий газ тармоғи-

жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми 1 миллион 921 минг сўмга етди.

Хизмат кўрсатиш, сервис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шу йилнинг ўзига тижорат банклари томонидан 40,0 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши режалаштирилган бўлса, ҳозирга қадар 735 нафар фуқароларга 18,6 миллиард сўм берилди. Йил якунигача яна 535 нафар фуқароларга 21,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиши бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Янги иш ўринларини яратиш,



шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш орқали камбағалликни қисқартириш нафақат туманимизда, балки бутун мамлакатимизда долзарб масала ҳисобланади. Бу йўналишда йилнинг дастлабки яримида туман бўйича 4968 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган бўлиб, олти ой ичида 6832 та ташкил қилинди. Биргина маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳисобига 379 та янги иш ўринлари яратилгани амалий саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестициялар, шу жумладан, хорижий сармоялар муҳим ўрин тутади. Сўх туманида бу йил 6 та лойиҳа доирасида қиймати 11,9 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи давомида видеоалоқа тарзида ўтказган йиғилишда ҳар бир ҳудуд иқтисодиётига фаол инвестицияларни жалб қилиш бўйича берган топшириқлари асосида туманда умумий қиймати 98,0 миллион АҚШ долларилик 40 та янги истиқболли лойиҳалар шакллантирилди. Ҳозирда умумий қиймати 42,9 миллион АҚШ долларилик 9 та лойиҳа ташаббускори аниқланди.

Шунингдек, экспорт юртимиз иқтисодиёти мустақамловчи омил эканлигини инobatга олиб, жорий йилда умумий қиймати 9,2 миллион АҚШ долларилик, жумладан, саноат маҳсулотлари бўйича 3,1 миллион доллар ҳамда мевасабзавот маҳсулотлари бўйича 6,1 миллион доллар миқдорига экспорт амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу борадаги кўрсаткич олти ой давомида 3,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт фаолиятига 5 та янги корхоналар жалб қилинди.

Ижтимоий соҳа бўйича ислохотларга тўхтайдиган бўлсак, бугунги кунда туманда 26 та давлат мактабгача таълим, 40 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларда 1645 нафар тарбияланувчилар қамраб олинган. Бу мактабгача ёшдаги болаларнинг 69,8 фоизи демакдир. Қамров даражасини оширишга яқка тартибдаги тадбиркорлар муносиб хисса қўшишмоқда. Жумладан, яқинда Мавжудмахон Эрматова нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотини қуриб битказди. Ушбу лойиҳага 500 миллион сўм маблағ сарфланди, 4 та янги иш ўрни яратилди. Йил охирига қадар яна 12 та оилавий шаклдаги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилади. Шу орқали қамров даражаси 80 фоизга етказилади.

Тумандаги 33 та ўрта мактабларда таълим олаётган ўқувчилар ўз билими ва иқтисодии, олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи билан ҳатто шахар мактаблари ўқувчиларига ўрнатиб бўлишмоқда. Сўх анклав ҳудуд бўлишга қарамай, келажагимиз эгаларининг пухта билим олишлари учун мустақам пойдевор яратилган. Яқинда яна бир замонавий кўринишдаги мактаб барпо

этилди. Сарбозорда 6 миллиард сўм эвазига қуриб битказилган янги мактаб 350 ўринли бўлиб, эндиликда узоқ масофа босиб, қўшни қишлоқларга бориб ўқиётган ўқувчилар ўз таълим муассасасига эга бўлди.

Муҳташам ва замонавий типда бунёд этилган "Сўх" соғломлаштириш оромгоҳи бино-иншоотларидан мақсадли фойдаланиш учун бу мактабда болаларнинг ёзги таътили кунларидан ташқари ойларида ўқув-касб ўргатиш мактабини ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тиббиёт соҳасида ҳам маълум ютуқларга эришилди. Яқинда туманга қиймати 12 миллиард сўмдан ортиқ бўлган энг сўнгги русумдаги тиббиёт жихозлари келтирилди. Малакали шифокорларни туманга жалб қилиш ишлари бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланди. Юқорида қайд этилган "Сўх шафран экспорт" кооперативи ишлаб чиқарадиган доривор маҳсулотларнинг деярли 100 фоизи экспортга йўналтирилади.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида жиноятчиликни жолов-лаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида сектор раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши билан бирга қадимий равишда танқидий муҳокамалар ўтказиб борилапти, жойларда жиноят қилишга мойиллиги бор шахсларни аниқлаш ва "маҳалладаги бешлик" томонидан уларнинг муаммоларини ўрганиб, ижобий ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, йил якунига қадар маҳалларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида дахлдор идоралар ва муассасалар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар олиб борилапти.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳада фойдаланилмаётган ва фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш, чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик ва балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича ҳам амалий ишларга киришилган. Туманда картошка етиштириш борасида жуда катта ҳаётий тажриба мактаби яратилган. Картошка уруғчилигини ривожлантириш, аҳолига деҳқончилик қилиш учун қўшимча ер ажратиш, ерга ишлов бериш ва сифатли уруғ сотиб олиш учун оилаларга субсидия ажратиш, Жавпая массивининг 200 гектар майдонида интенсив боғ, 300 гектар ерда тут плантацияси, Қайроқ массивида 200 гектарлик малиназор ташкил этиш, деҳқончилик қилиш муаммо бўлган ҳудудларга сув чиқариб, ихчам ва замонавий иссиқхоналар қуриш ишлари бугун сўхликларнинг қайноқ нуқтасига айланган.

Авваллари Сўх хушманзара табиати, баланд тоғлари, зилол сувлари, меҳнаткаш ва меҳмондўст одамлари билан шарафланган бўлса, яқин йилларда туманимиз мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан тилга тушишига шак-шубҳа йўқ.

Сайидбахром САЙИДМУСАЕВ,
Сўх тумани ҳокими.

Президент қарори амалда

СЎХЛИКЛАР ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Тоғлар бағридаги Сўхта, унинг қатор қишлоқ ва маҳаллаларида яшайдиган аҳолининг азалий, гўё амалга ошмас орзулари бор эди. Бу тоза ичимлик суви билан таъминланиш.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди-ю, сўхликларда умид пайдо бўлди. Сув келтиришга масъул мутахассис ва қурувчиларни ҳар бир маҳалла, кўчада тантана билан кутиб олдилар. Қувурлар тортилди, аммо иш жуда суз эди. Шунда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Президент қарори ижроси юзасидан тахлийий-танқидий видеомақола эълон қилди. Унда сўхлик аҳоли, назорат идораси вакиллари қурувчиларга эътироз билдиришган эди. Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Очилбой Раматов Сўхта келиб, вазият билан танишди ва ишни тубдан ўзгартириш чораларини кўрди.

Шундан буён ўтган вақт ичида, дарҳақиқат, сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Аввало, Сўхта ишлаётган техник воситалар ва ишчилар сони 7-8 баробарга оширилди. Иш кўлами барча маҳаллани қамраб олди. — Биринчи лойиҳа доирасида 154 километр сув тармоғини тортиб яқунлаганмиз. Бундан ташқари, қўшимча 100 километр тармоқ торганмиз, — дейди "Янги авлод қурилиш инвест" МЧЖ раҳбари Муроджон Аҳмедов. — Бу режа бўйича 14 та скважина қавлаш керак эди, биз шуни 18 тага етказдик. 30 дан ортиқ техника ва 250 тадан ортиқ ишчи-ҳодимлар меҳнат қилишяпти. 27 та маҳалладан 25 тасига сув бердик. Йил якунида аҳолини 100 фоиз сув билан таъминлаймиз.

"Ленбур" маҳалла фуқаролар йиғини Сўх дарёсининг чап соҳилида жойлашган. 3700 дан зиёд аҳоли яшайди. Шу маҳалланинг ўзига 13 километр тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Маҳалла дарёдан анча юқори, ҳудудида эса булоқлар йўқ. Мана энди хонадонларга тоза ичимлик суви етиб келди. Одамларнинг қувончи ичига сиймайди.

— 35 йилдан бери шу уйда яшайман. Шу кунгача лойқа сув ичиб юрардик. Президентимиз ва сув келтирган ташкилотларга раҳмат. Тоза сувга етказганига шукрат, — дейди шу маҳаллада яшовчи Зухра Мирзаева.

"Янги авлод қурилиш инвест"

МЧЖ қурувчилари учун бир муаммо бор эди. Сўх маҳаллаларидаги суви йўқ барча кўчалар дастлабки лойиҳага киритилмаган. Бу ёқда айна ш кўчалар асфальтланаётган эди. Шунда қурувчи, буюртмачи, маҳаллий ҳокимият ва аҳоли ягона қарорга келдилар.

— Биз лойиҳадан ташқари маҳаллий халқнинг илтимоси,



ҳокимиятнинг сўрвомалари ва буюртмачининг талаби билан 90 километрдан ортиқ қўшимча тармоқларни тортиб, аҳолига сув етказиб бердик, — дейди Муроджон Аҳмедов. — Бу иш ҳажми учун 40 миллиард сўм атрофида ҳисоб-китоб қилинган.

Биз Сўхнинг энг чет, ҳатто тоғ этакларидаги қишлоқларига бориш. Уйма-уй юриб, аҳоли билан суҳбатлашдик. Барчанинг тилида икки сўз: биринчиси — бўлар эканку, дейишади ҳайрат билан. Иккинчиси — халқпарвар давлатимиз ва унинг раҳбарига миннатдорчилик билдириб, дуои фотиҳа қилардилар.

— Миш-мишлар бўлар эди, лекин ишонмас эдим, наҳотки бу чекка қишлоқларга ҳам ичимлик суви чиқса деб, — дейди "Ҳазрати Али" маҳалла фуқаролар йиғини фуқароси Ҳабибжон Шукуров. — Мана ичимлик суви келди, ҳам-

ма хурсанд. Орзу қилган эдик, рўёб топди. Жўмракни очасиз, керакли сувни олиб ёпиб қўясиз. Бу ишлар Президентимизнинг шарофати билан бўлди. Ҳамхўрлик учун раҳмат.

"Янги сўз — жон озиғи" дейдилар. "Янги авлод қурилиш инвест" МЧЖ мутахассис ва раҳбарияти аҳолининг боғ-роғлари учун ҳам сув йўлини очишини айтди.

— Эски канални очамиз ва ўз оқими билан сув келадиган қиламиз, ўшанда Ҳушёр қишлоғида сув янада мўл бўлади. Бу давлатимизнинг сиёсати, — дейди улар.

Ҳўш, шунча йиллар ичимлик суви бўлмаган Сўхта уни қаердан олишмоқда? Ҳақли савол. Аввало, юқорида таъкидланганидек, 18 та тик қудуқ қазилди ва ер ости сувининг кўзи очилди. Иккинчидан, тоза сувни "томчилаб йиғиптилар", десак ишонаверинг. "Обширсой" сув тўплаш ва тарқатиш иншооти иккита 500 кубметрли сифимдан иборат. Сўхнинг Қалъача, Истиклол маҳаллалари, улардан юқори ҳудудлардаги ўндан зиёд катта ва кичик булоқ сувлари қувурлар орқали шу сифимларга тўплаб, текширувдан ўтказиб, зарарсизлантирилиб, шундан кейингина аҳоли уйларига етказиб берилмоқда.

— "Обширсой" сув йиғиш ва тарқатиш иншоотига булоқ сувларини йиғиб олиб келганмиз. Микробларни электрон жиҳозлар билан зарарсизлантирамиз, — дейди Муроджон Аҳмедов. — Сув жуда ҳам юмшоқ, яъни қаттиқлиги 4. 30 километрдан ортиқ жойга шу сувни тарқатяпмиз. 10 мингдан ортиқ аҳоли айнан шу ичимлик суви билан таъминланди. Яна қўшимча 20 километр тармоқ қурамиз.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ.
Элёр **ОЛИМОВ** ва **Муқимжон ҚОДИРОВ** олган суратлар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳадемай янги ўқув йили бошланади. Албатта, таълимнинг сифатли олиб борилиши кўп жиҳатдан билим масканларини янги ўқув йилига қандай тарзда тайёрлангани, шу жумладан, ўқув биноларини таъмирлаш, дарсликлар ва ўқув-услугий қўлланмаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни тизимли йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган ишларга боғлиқ.

Фарғона вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тизимида бугунги кунда 997 та таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 955 та умумтаълим, 19 таси ихтисослаштирилган ҳамда "Баркамол авлод" болалар мактабларидир.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги муассасаларни янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, бу йўналишларда белгиланган режалар асосида тизимли ишлар амалга оширилди.

Аввало қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган 2023 йилги Инвестиция дастури доирасида 17 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши белгиланган бўлиб, унинг 4 тасида янги қурилиш ва 13 тасида реконструкция ишларини бажариш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун 157,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган тармоқ жадвали асосида давом этмоқда. Уларнинг аксарияти якунланиш арафасида.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси бўйича вилоятдаги 89 та

умумтаълим мактаби ва 24 та мактабгача таълим ташкилоти ғолиб деб топилган бўлиб, шу кунга қадар 58 та мактаб ва 14 та мактабгача таълим ташкилотида 67,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланиб, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда.

Умумий ҳисобда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жами 7 миллиард 984 миллион сўм ажратилиб, шундан умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш учун 3 миллиард 489 миллион сўм ва шу мақсадлар учун мактабгача таълим ташкилотларига 4 миллиард 495 миллион сўм маблағ ажратилган.

Таълим муассасаларини ўқув йилига тайёрлашнинг муҳим жиҳатларидан бири куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш билан боғлиқ масалалар. Бу йўналишда



11 та муассасанинг 2 091 квадрат-метр том қисмини таъмирлаш, яна шунча билим масканларининг 1 342,1 квадрат-метр дераза ромларини замонавийсига алмаштириш, 42 та ташкилотнинг 7 789,2 метр иссиқлик тизимини алмаштириш ва таъмирлаш, 6 та муассаса ҳожатхоналарини таъмирлаш ишлари бажарилиб, жами 4 миллиард 390 миллион сўм маблағ сарфланди. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш давомида вилоят бўйича яна 78 та умумтаълим мактабларида турли жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланди ва бунинг учун 6 миллиард 149 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги 19 та Президент мактабларини янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 137 миллиард 699 миллион сўмлик шартномалар имзоланган. Шундан 8 та ихтисослаштирилган мактаблар янги ўқув йилига тай-

ёр ҳолга келтирилди, 7 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунига етказилмоқда, 4 тасининг иситиш тизими таъмирланмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, 2023-2024 ўқув йилида 19 та туман, шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари тасарруфидаги Япония методикаси бўйича ташкил этиладиган мактабларнинг кимё, биология, физика, информатика фанлари ва ўқитувчилар хонаси жиҳозлари қайта кўриб чиқилди ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар босқичма-босқич олиб борилмақда.

Янги ўқув йилида 1-синфга қабул қилиниши кўзда тутилган 78913 нафар болажонлар учун 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат "Президент совғаси" Фарғона вилояти таълим-таъминот ташкилоти орқали жорий йилнинг 20 августига барча таълим муассасаларига етказилиши режалаштирилган. 15 август ҳолатига кўра, ўзбек ва рус тилида ўқитиладиган 1-синф ўқувчилари учун 155 460 та дарсликлар, шунингдек, 1-11-синфлар учун 21 862 та немис тили машқ дафтарлари мактабларга етказиб берилди.

Куни кеча вилоятимизда "Сифатли таълим — кучли жамият" шиори остида "Устозлар миллий форуми" ўтказилди. Унда янги ўқув йили олдидан педагогларимиз олдидан турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Бизнинг зиммамизга Янги Ўзбекистон фарзандлари — келажак авлодларига сифатли таълим-тарбия беришдек муҳим ва масъулиятли вазифа юклатилган. Буни барча педагог ходимлар, малакали тарбиячиларимиз юракдан ҳис қилиб, янги ўқув йилини муваффақиятли ўтказадилар, дея ишонч билан айта оламан.

Шерзод ДОЛИМОВ,
вилоят мактабгача ва
мактаб таълими бошқармаси
бошлиғи.

ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШСА...

Туман иқтисодий кўрсаткичи яхшиланади, аҳоли бандлиги таъминланади, экспорт салоҳияти ошади

Бугунги кунда аксарият соҳаларга хориз инвестициясини киритиш ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш борасида туб илоҳотлар амалга оширилмоқда. Кластер тизими эса янги имкониятлар ва самардорлик омили бўлиб хизмат қилапти.

Ўтган йилнинг март ойида Фарғона вилояти делегациясининг Корея Республикасига ташрифи чоғида "Posco International" корпорацияси раҳбарияти билан учрашув ўтказилиб, умумий қиймати 65 миллион АҚШ долларига тенг ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Орадан кўп ўтмай корпорация пахтани қайта ишлашга қаратилган йирик лойиҳаси билан вилоятимизнинг Ёзёвон туманида иш бошлади. Ўзаро ишончли шериклик самараси ўлароқ, "Юқори сойбўйи" маҳалла фуқаролар йиғини

ҳудудида "Posco International textile" МЧЖ мажмуаси бунёд этилди.

10 гектар майдонда амалга оширилаётган ушбу йирик лойиҳа қиймати 20 миллион АҚШ доллари этиб белгиланган пахтачилик кластери, 15 миллион АҚШ доллари бўлган ва йиллига 25 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга завод, лойиҳа қиймати 9 миллион АҚШ долларилек ёғ заводи, 20 миллион АҚШ доллари ҳисобига сунъий тола ва аралаш мато ишлаб чиқариш корхоналари ва 1 миллион АҚШ доллари эвазига ўқув маркази ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ўтган қисқа муддатда 4900 гектар майдонда пахтачилик кластери ташкил этилди.

Янги тизим асосида йил бошидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартномага асосан

уруғлик ва минерал ўғитлар ўз вақтида етказиб берилди. 430 гектар ерда томчилатиб сўғориш тизими йўлга қўйилди, умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ долларилек қишлоқ хўжалиғи техникалари келтирилди. Бу эса фермер хўжаликлари ишини анча енгиллаштирди. Дастлабки мавсум якунида режалаштирилган 18 150 тонна ўрнига, 18 600 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Айни кунгача ҳосилнинг 15 000 000 тоннаси қайта ишланди.

Жорий йил пахта мавсумида 17 500 тонна пахта ҳосилини йиғиб-териш олиш режалаштирилган. Бунинг учун фермер хўжаликлари билан келишилган ҳолда босқичма-босқич амалий ишлар, юксак агротехник тадбирлар олиб борилмоқда. Муҳим жиҳати, йиллик экспорт қувватини 16 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

— Бугунга қадар пахта кластери ташкил этилди, ҳосилни қайта ишлаш заводи, ўқув маркази қурилиши ишлари якунланиб, умумий лойиҳа қийматининг 35 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди, — дейди бўлим бошлиғи Сардорбек Эминзода. — Бу ерда кластер ходимлари билан биргаликда 450 нафар ишчилар меҳнат



қилмоқда. Бундан ташқари, 100 нафар мавсумий ишчилар ҳам банд қилинган. Жамоа аъзоларининг корхонага келиб-кетишлари учун махсус автобуслар ажратилган, улар икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган, соғликлари доим назоратда. Ушбу йирик саноат мажмуаси тўлиқ ишга тушгач, 1500 та доимий иш ўрни яратилади.

Айни пайтда корхона ҳудудида лойиҳа кесимидаги қурилиш ва пардозлаш ишлари давом этмоқда. Бу ерда фаоллар ва тадбирлар зали, ошхона, шунингдек, ишчиларни ва туман аҳолисини касб-ҳунарга қайта ўқитишга мўлжалланган ўқув маркази бўлади, бухгалтерия, компьютер хизматлари йўлга

қўйилади, дам олиш жойлари ва бошқа қулайликлар яратилади. Бундан ташқари, йилига 20 минг тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга ёғ заводи-нинг ишга туширилиши аҳоли дастурхонининг тўқин-сочин бўлишини таъминлайди.

Кореялик инвестор Чо Синг Хён бош бўлган лойиҳанинг иккинчи босқичида Ёзёвон туманида сунъий тола ва аралаш мато ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушади ва Марказий Фарғонада саноат корхоналари яна 2 тага кўпаяди. Бу эса пахта-тўқимачилик саноати яқин истиқболда туман иқтисодиёти "юраги"га айланишидан дарак.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

Миш-мишлар ва ҳақиқат



ХАВОТИРЛАНМАСАНГИЗ
БЎЛАДИ, ЛЕКИН...

Фуқароларимиз ўртасида қизамиқ касаллигининг тарқалиши билан боғлиқ гап-сўзлар кўпайиб қолди. Бу ташвишлар ҳақиқатга қанчалик тўғри? Фарғона вилоятида ушбу касаллик кенг тарқамаслигининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмақда? Шу каби саволларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилоят бошқармаси иммунология бўлими мутахассиси Х.Мажнонов батафсил маълумот беради.

Фарғона вилоятида жорий йилнинг июль ойи ҳолатига кўра, қизамиқ касаллигига гумон қилинган 46 нафар беморнинг қон намунаси Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг вирусология лабораториясига юборилди. Улардан 24 нафарининг қон намунасида қизамиқ касаллиги тасдиқланди. Жумладан, касалланганлар Фарғона шаҳрида 9, Қўқон шаҳрида 7, Марғилон шаҳри ва Бешарик туманида 2 нафардан, Бувайда, Сўх, Тошлоқ, Учкўприк туманларида 1 нафардан рўйхатга олинган. Беморларнинг энг кўпи бир ёшгача, яъни эмлаш ёшига етмаган болалардир.

Таҳлил натижаларига кўра, қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари жорий йилнинг март ойидан бошланган. Асосан Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Тожикистон, Саудия Арабистонидан келган беморлар билан мулоқотда бўлган фуқаролар орасида аниқланган.

Қизамиқ ва қизилча касалликларининг олдини олиш мақсадида вилоят соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Вазирлик меъёрий ҳужжатларига асосан 1 ёшли 46191 нафар ва 6 ёшли 42842 нафар болалар КПК вакцинаси билан эмланди.

Айни кунларда вилоятда қизамиқ касаллиги бўйича эпидемиологик вазият барқарор. Аҳолини, айниқса, ёш оналарнинг тиббий маданият, эмлаш тадбирларига бўлган муносабати тубдан ўзгарган. Касалликларнинг олдини олишда санитария-гигиена талабларига, соғлом турмуш тарзига амал қилиш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қизамиқ касаллиги белгилари, юқиб йўллари ва даволаш чоралари қандай?, деган савол туғилиши табиий. Булар ҳақида маълумот берадиган бўлсак, қизамиқ – ўткир юқумли касаллик бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, умумий интоксикация, юқори нафас йўллари ва кўз шиллиқ пардасининг яллиғланиши ҳамда баданга қизил, йирик доғли тошмалар тошиши билан кечади.

Қизамиқ ер юзидан энг кенг тарқалган инфекциялардан, унга барча ёшдаги кишилар, асосан, ёш болалар берилувчан бўлади. Касаллик мавсумий бўлиб, куз-қиш ва баҳорда кўпроқ учрайди. Инфекция манбаи фақат касалланган одам ҳисобланади, соғлом киши организмга вирус нафас йўллари орқали тушади. Касалликдан кейин умр бўйи сақланадиган иммунитет қолади.

Организмга юқори нафас йўллари шиллиқ пардалари, кўз конъюнктиваси ва бошқалар орқали кирган қизамиқ вируси у ерда кўпайиб, кейин қонга тушади. Касаллик босқичма-босқич кечади, инкубацион (яширин) даври 9-11 кун, ундан сўнг продромал (бошланғич, катарал) давр 3-4 кун давом этади.

Касаллик бошланишида тана ҳарорати 39 градусгача кўтариллади, юқори нафас йўллари ва кўз конъюнктиваси қизаради, бемор қуруқ йўталади, тумов бўлади, кўзи ёшланади, ёруғликка қарай олмайди, овози бўғилиб қолади. Шунингдек, уйқу бузилади, иштаҳа йўқолади, ҳолсизланиш, баъзан ич кетиши, қорнида оғриқ, оғирроқ ҳолларда умумий интоксикация, талвасалар, эс-хушни йўқотиш аломатлари рўй бериши мумкин.

Қизамиқ билан оғриган бемор уйда, оғирроқ ҳолларда касалхонада даволанади. Асосий аҳамият комплекс даволаш чора-тадбирларига қаратилади. Санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, бемор бўлган хонанинг ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш ва тўла-тўқис овқатланишига эътибор бериш зарур.

(Мақолани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилоят бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Бахтигул ЮНУСОВА тайёрлади).

ЭЪЛОНЛАР

АИТ "ИПАК ЙЎЛИ" БАНКИНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ БАЛАНСИДА БЎЛГАН МУЛК СОТИЛАДИ

АИТ "Ипак йўли" банкнинг Фарғона филиали балансида сақланаётган, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар, "Қўчқорчи" МФЙ, Заковат кўчаси, 277-уйда жойлашган, давлат рўйхатидан ўтган, умумий ер майдони – 10 000 кв.м., умумий фойдаланиш майдони – 2 242,17 кв.м. ва қурилиш ости майдони – 2 360,82 кв.м. бўлган ферма бино ва иншоотлари 691 017 600, 00 (12 фоиз ҚҚС билан бирга) сўмга сотилади.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Қомус кўчаси, 26-уй. Телефонлар: 73 229-00-55. 73 229-05-75.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фарғона шаҳар, Муствақиллик кўчаси, 7-уйда жойлашган "Tudors of group" масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

Инсон ҳуқуқлари устувор

80 029 160 00 СЎМ
УСТАМА ҲАҚИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Фарғона шаҳар адлия бўлимига Фарғона политехника институтининг бир гуруҳ ходимларидан мурожаат келиб тушди. Маълум қилинишича, педагоглар Н.Тошматова "Level 7 diploma in teaching english to speakers of Other Languages" (TESOL), М.Қўчқорова, Г.Ходжаева, У.Абдуқодиров, М.Мадраҳимова, Г.Хўжа-назарова "Teaching english for speakers of Other Languages" (TESOL), З.Зокирова, С.Ҳамидова, М.Парпиева "Teaching English as a Foreign Language" (TEFL) сертификатларига эга бўлишса-да, уларнинг ойлик иш ҳақи устама қўлланилмаган, сертификатни олиш учун имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлар қоплаб берилмаган.

Қонунчиликка таянадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 5-бандида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар (инглиз, француз, немис, испан, итальян, араб, хитой, япон, корейс, турк, форс, пушту, дари, урду, ҳинд) ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда кўшимча устама ҳақи тўлаб берилиши назарда тутилган. Бунда умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг камида С1 даражадаги халқаро сертификатни олиш учун имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлари давлат бюджетидан педагог кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган маблағлар, давлат олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг харажатлари эса олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 августдаги 1-мҳ ва 23-мҳ сонли қарорлари билан хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхати ва хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган

сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражаси тасдиқланган бўлиб, хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатлар рўйхатининг 9-10-бандларига асосан "Teaching english for speakers of Other Languages" (TESOL) ва "Teaching English as a Foreign Language" (TEFL) сертификатлари инглиз тили бўйича халқаро тан олинган сертификат сифатида кўрсатилган ва С1 даражасига тенглаштирилган.

Педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинади. Педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланади, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар бериллади.

"Таълим тўғрисида"ги қонуннинг 45-моддасига кўра, педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олиниши, педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар берилиши назарда тутилган.

Фарғона шаҳар адлия бўлими қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, юқоридаги ҳолат юзасидан Фарғона политехника институтининг ректорига Тақдимнома киритди. Шунингдек, ўтказилган мониторинг давомида институтнинг «Тилларни ўргатиш» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг ойлик маошига устама ҳақи ва имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлари институтнинг ўз маблағи ҳисобидан қопланиши бўйича мутасаддиларга тушунтириш берилди.

Институт ректорининг 2023 йил 4 июлдаги буйруғи асосида барча профессор-ўқитувчиларнинг ҳар ойлик маошига 50 фоиздан кўшимча устама ҳақи тўланадиган бўлди ва иш ҳақлари жорий йилнинг 1 апрелидан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 80 029 160 00 сўм устама ҳақи тўлаб берилиши таъминланди.

**Искандарбек РАҲМОНОВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бош
маслаҳатчиси.**

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРНИНГ ШАШТЛАРИ БАЛАНД

Фарғона шаҳридаги "Само" мажмуасида 21 дан ортиқ спорт тури бўйича машғулотлар ўтказилади. Ақлий спорт ҳисобланган шахматга қизиқувчи ёшлар сони 100 нафардан зиёд. Улар тажрибали мураббийлари қўли остида дона суриш сирларини мукамал ўрганишмоқда. Шу жумладан, имконияти чекланган болаларнинг шахмат тўғрагида машғулот ўтказишлари учун қулай шароитлар мавжуд.

Яқинда ижтимоий ҳимояга муҳтож ўсмирлар ўртасида ташкил этилган "Раҳбар кубоги" мусобақасида 50 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган болалар иштирок этиб, маҳорат ва имкониятларини синаб кўришди. Эътиборлиси, баҳслар қизгин ва мурасимсиз кечди. Шунингдек, Осиё чемпионатида ёш шахматчиларни тайёрлаш мақсадида Бешарик туманида саралаш мусобақалари ўтказилиб, қитъа биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган ёш спортчилар танлаб олинди.

Шу ўринда вилоятимиз спортчилари халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этаётганларини айтиб ўтиш

жоиз. Жумладан, 13 август куни Нидерландиянинг Эйнховен шаҳрида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган шахмат бўйича Бутунжаҳон олимпиасида Ўзбекистон терма жамоаси сафида дона сурган Асрор Омонов ғолиблар сафидан ўрин олди.

– Бешарик туманидаги 47-мактабнинг 8-синфида ўқийман. 5 ёшимдан шахмат билан шуғулланаман. Биринчи мураббийим – дадам. Айни вақтда Республика шахмат академиясида таҳсил олаяман. Бугунга қадар кўплаб мусобақаларда фаол иштирок этдим. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувда Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпионлигини қўлга киритганман, – дейди умидли шахматчи Асрор Омонов.

Шунингдек, олимпиадада ҳамюртимиз Афруза Ҳамдамова ҳам муваффақиятли қатнашди. У 5 та партияда иштирок этиб, барчасида ғалаба қозонди.

**Гулшаной АЛИЖОНОВА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети талабаси.**

Шу куннинг мавзuida

КЎМИР ҲАММАГА ЕТАДИ

Фақат эҳтиёжингизни маҳалла фуқаролар йиғинига етказсангиз бас!

Кўз эшик қоққани ҳамон қиш ғамида жонсарақ бўлиб қоламиз. Аёзли кунларда уйинг иссиққина бўлса, жонинг ором олади-да. Табиий газ етиб бормаган ҳудудларда яшовчи аҳолининг эса ўтин, кўмир ғамлаб олганидан сўнг кўнгли хотиржам тортади.

Жорий йилнинг июль ойидан "Кўмир-таъминот" МЧЖ Фарғона вилоят филиалига қарашли "Қақир", "Марғилон", "Бувайда", "Бешариқ", "Қува", "Олтиариқ", "Сўх", "Қувасой" кўмир омборлари орқали аҳолига ҳамда ижтимоий соҳа ташкилотларига кўмир ва брикет маҳсулоти етказиб берилди бошлади. Филиал омборлари ҳафтасига 100 га яқин вагонда кўмир қабул қилиб оляпти.

Шаҳар-туман маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолининг эҳтиёжига қараб шакллантирилган жадвал асосида қаттиқ ёқилғи тарқатиб берилмоқда.

— Бу йил вилоятимизга 192000 тонна кўмир олиб келиниб, тарқатилади, бу ўтган йилга нисбатан 37000 тоннага кўп, — дейди "Кўмиртаъминот" МЧЖ вилоят филиали иқтисодчиси Зухриддин Тўрақулов. — Бугунга қадар аҳоли учун 37740 тонна кўмир етказиб берилди. Нархи қиммат эмас, менимча. Аҳолига киллограмми 300 сўм 30 тийин, ижтимоий соҳаларга 418 сўм 245 тийиндан сотилмоқда. Тарқатилаётган Ангрен кўмири тез аланга олади ва узоқ ёнади, иссиқликни яхши ушлаб туради. Бу жиҳатлари билан фуқароларимизга маъқул келмоқда.

Бундан ташқари, касб-ҳунар мактаблари, техникумлар шартнома асосида 7785 тонна кўмир билан таъминланди. Мактаб ва мактабгача таълим бўлимлари, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари билан шартномалар тузиш давом этяпти.

Маълумотга кўра, ҳозирда омборларда 3565 тонна кўмир бор. Қаттиқ ёқилғи ортилган вагонлар келиши давом этаётгани учун кунлик захира ўзгариб туради.

— Ҳудудимиз газлашган бўлгани боис, аҳолининг кўмирга бўлган эҳтиёжи кўп эмас. Бироқ ўтган йилда бўлгани каби ҳаво ҳароратининг кескин совиши ва хонадонларда газ босимининг пасайиб кетиши оқибатида ўтин ва кўмирга талаб пайдо бўлади. Шу сабабли эҳтиёжманд оилалар учун 32 тонна кўмир олиш учун буюртма бердик, — дейди Марғилон шаҳар, "Зухро" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жамшид Султонов.

— 4925 та аҳолимиз бор. Маҳалламиз газлашмаган. Аҳолига ёзин-қишин сўлтирилган газ етказиб берилади. Бироқ уйни иситиш учун, албатта, кўмирга талаб катта. Ўтган йили эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, арзон нархда 236 тонна кўмир олгандик. Айти кунларда хўжаликларнинг кўпайганини инобатга олиб, 300 тонна кўмир учун ҳужжат ишлари яқунланмоқда. Бундан ташқари, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да турадиган аҳолига ҳомийлик ёрдамлари асосида ҳам кўмир етказиб берилади, — дейди Қўштепа тумани, "Қоракалтак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азизжон Раҳмонов.

Филиалда талаб-эҳтиёжларни инобатга олиб, кўмир қабул қилиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажмларини ошириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўмир эса ҳаммага етади.

М.УСМОНАЛИЕВА.



Мулоҳаза



МАДАНИЯТ МАСКАНИДАГИ АХЛОҚСИЗЛИК

Ундан кўз юмиб бораверсак, вақти келиб кўзимизни очади

Ёзининг иссиқ палласида истироҳат боғлари, сўлим дам олиш масканлари ҳар қачонгидан гавжум бўлади. Айниқса, Аҳмад Фарғоний номли истироҳат боғи деярли ҳар куни турли ёш ва тоифадаги одамлар билан тўлади. Албатта, бундан мамнуният туяди, киши. Ахир яхши дам, меҳнатга ҳамдамку!

Аммо тобора урфга кираётган айрим ҳолатлардан ўйга толади, киши. Кўча маданияти, дам олиш этикасида умуман хабари бўлмаган ахлоқсиз ёшларнинг менталитетимизга хос бўлмаган одатлари сабаб истироҳат боғига киргингиз келмай ҳам қолади.

Яқинда фарзандларим билан сўлим табиатдан баҳра олиш мақсадида у ерга бордик. Атроф гавжум. Қаерга боқмайлик, ёшларнинг жуфт-жуфт бўлиб майсазорга ёки ўриндиқларга ўтириб олишганига кўзимиз тушди. Ачинарлиси, улар шунчаки сўхбатлашиш учун бу ерга келишмагани равшан бўлди. Ибо-ҳаёдан йироқ хатти-ҳаракатларидан таажжубландик. Эссиз, шўрлик ота-онанинг фарзанди камоли йўлидаги орзу-умидлари... Шубҳасиз, улар дилбандларининг жамоат жойида бундай номақбулчиликка йўл қўяётганидан хабари йўқ.

— Ҳар куни эрталаб боғ оралаб ишга бораман, ёш йигит-қизларнинг кучоқлашиб ўтирганига дуч келаман. Кеч тушгандаку, бундайлар сони кўпайгандан кўпаяди. Уларнинг аксарияти ўқувчи-талабалар менимча. Улар "оммавий маданият" қурбонлари эканлиги кундай равшан, — дейди Хосиятхон Раҳматуллаева.

Одатга кўра, яна истироҳат боғи томон одимлайман. Ўзимни адашиб қолган инсондек тутиб, "икки жуфт"ни саволга тутаман. Аслида шаҳарлик ёшлар беш қўлдек билиши керак бўлган манзил қаерда эканлигини сўраб кўраман. Афсуски, уларда тўғри жавоб йўқ. Демак, Фарғона шаҳрининг вақтинчалик меҳмонлари, булар.

— Ўзбекистон туманидаги маҳаллалардан бирида яшайман. Бу ерга ўқиш учун келганман. Бир куни онам қишлоқдаги бир дугонам йўқолиб қолгани ҳақида гапириб қолди. Университетдан боғ бўйлаб қайтаётганимда, четроқда бир йигит ва қизнинг ғайритабиий

ҳаракатлари диққатимни тортди. Не кўз билан қарайки, у қишлоқдошим Мунира. Онасига қўнғирок қилиб, бўлган воқеани айтдим. У ўткинчи ҳис-туйғуларга алданиб, уйдан қочган экан, — дейди Гулрух Усмонова.



Наҳотки, камтар, одобли, хушмуомала фазилатли қизлар фақат китобларда қолган бўлса! Бир сўзли, ориятли йигитларчи?! Ҳар қизларни алдаб, уларнинг бахтига зомин бўлаётганларнинг ёш умри маҳбусликда ҳазонга айланаётгани ҳам барчамизга яхши аён.

— Уйланиш ёшига етдим, лекин оила қуришни ўйласам, юрагим орқага тортади... Ҳозирги қизларда йигитларга маъқул келадиган фазилатлар бормикан, деб ўйлаб қоламан, баъзида. Билиб-билмай, алданиб қолишдан қўрқаман. Ахлоқсизлар туфайли ишонч йўқолиб қоларкан. Истироҳат боғида учраётган одобдан йироқ қизлардан билмадим қанақанги ёр, уй бекаси, она чиқаркин, — дейди Рустам Давлатов.

"Уят эркаларнинг виқори бўлса, аёлларнинг хуснидир" деган нақл бор халқимизда. Ҳақиқатан ҳам орият, уят, шарм ва ҳаё ҳамма учун бирдек фазилат. Айримлар эса бу хислатларни орта суриб, ўзларининг кадр-қимматларидан айрилиб қолаётганларини англамаяптилар, назаримизда. Нима бўлганда ҳам, хоҳ йигит, хоҳ қиз бўлсин, ҳаёни ўзига абадий йўлдош билса, кадр мартабаси юксалиши аниқ.

Бир сўз билан айтганда, жамоат жойларидаги бу каби ахлоқсизликларга қачон чек қўйилади?!

М.ТУРҒУНБОЕВА.

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1945 нусхада чоп этилди.
Буюртма № 517. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Сохибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Раҳматжон Юнусов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 17.00.

